

Туркия ҳалол маҳсулотни рўйхатга олиш ташкilotига дунё давлатларидан муурожаатлар бўлмоқда



09:20 / 09.03.2019 2604

Испания, Косово, Россия, Хорватия, Колумбия, Жанубий Корея каби Европа, Америка ва Осиёнинг қатор давлатларидаги маҳсулотларни рўйхатга олиш ташкilotлари томонидан Туркиянинг ҳалол маҳсулотларни рўйхат олиш ташкilotига муурожаатлар бўлмоқда, деб маълум қилади ташкilotнинг Бош котиби Ҳасан Сағол. Муурожаатлардан мақсад ташкilotларни ҳалол маҳсулотлар етиштириб бериш бўйича рўйхат олиш ва ходимларни шу йўналиш бўйича ўқитишдан иборат, деб хабар беради arab-turkey.com.tr ахборот сайти.

Қайта ташкил этилган ушбу ташкилот Туркиядаги ҳалол маҳсулотларни рўйхатга олиш бўйича ягона ишончли орган ҳисобланади. Ташкилот Бош котибининг айтишича, ўтган йилги Истанбулда бўлиб ўтган Ҳалол Экспо халқаро кўргазмасида қатнашган Косово, Хорватия, Италия, Колумбия, Россия, Жанубий Корея ва Польшадаги ҳалол маҳсулотларга сертификат бераётган баҳоловчи ташкилотлар ҳам қайта тасдиқлатиш учун аризалар топширган.

Ҳалол маҳсулот ва хизматлар бозорида муҳим рол ўйнайдиган Испания ўз фаолиятини мусулмон дунёсига товарлар ва хизматлар сотадиган компанияларга таклиф қилиш ва Барселона Ҳалол форумида реклама компаниясини ўтказиш учун таклиф этилган.

Турк ҳалол маҳсулотларни рўйхага олиш ташкилоти барча иштирокчилар учун семинарлар ўтказди. Бу тамойиллар рўйхатдан ўтказишнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. ИКТга аъзо давлатларнинг рўйхатга олиш органларини баҳолаш ва ўзаро тан олиш тизимини яратиш учун ишлаб чиқилган техник топшириқлар ўтган йили Исломий давлатлар стандартлари ва Метрология институти (SMIIC) томонидан тасдиқланган. Маълумот тариқасида шунини айтиш мумкинки, ҳалол маҳсулотларнинг глобал бозори тахминан 4 триллион АҚШ долларини ташкил этади ва дунёда 400 га яқин ширкат назоратсиз ҳолда ҳалол сертификати билан ишламоқда.

Islom.uz